деворга қоқилган мих атрофига ўралади. Симнинг узун учи дарахт танаси атрофида ўралиб, орқа деворнинг қиррасига қоқилган иккинчи михга маҳкамланади. Сим дарахтга тегиб турадиган жойларга, металл пўстлоқни шикастламаслиги учун, резина қўйиш зарур.

#### 4-қисм

Орнитологик мусобақа ёки бёдвочинг («bird» – қуш; «watch» – кузатиш сўзларидан) – қушларни табиатда кузатиш ва мусобақа асосида уларнинг турларини қайд қилиш. Бу спорт йўналиши Буюк Британияда пайдо бўлган - у ерда қушларни кузатиш бир неча юз йиллик давомида амалда қўлланган. У узоқ даврларда асосан олий табақа вакиллари вақтни бундай ёқимли ва завқли ўтказган. Бугунги кунда бёдвочинг фаол дам олишнинг дунёдаги энг оммавий тури ҳисобланади, кўп мамлакатлардаги миллионлаб одамлар унга ишқибоз. Буюк Британия, Голландия, Ирландия ва АҚШда бёдвочерлар овчи ва балиқ ишқибозларидан кўп. Бёдвочинг катта ижтимоий аҳамиятга эга, чунки дам олиш кунлари ва таътилни биргаликда ўтказишга, ёшлар ва катталарнинг бўш вақтини ташкил қилишга имкон беради.

#### Зарур ашёлар

1. Қуш таърифномалари;
2. «Қушларни қандай кузатиш...» рисоласи (*CD/1-илова*);
3. Ён дафтарча;
4. Ручка;
5. Дурбинлар;
6. Ўзбекистоннинг 100та қуши плакати;
7. Штативли кузатиш трубаси;
8. Фотоаппарат;
9. Ҳакам орнитолог-мутахассислар сифатида.

#### Тадбир давомийлиги ва ўтказилиш жараёни

Танлов команда ҳисобида ўтказилади. Иштирокчиларни 10-12 кишидан командаларга бўлиш зарур. Ҳар бир командада раҳбар ёки сардор тайинланади.

Команда вазифаси - маълум вақтда ва маълум ҳудудда қушлар турининг имкон қадар максимал сонини топиш (кўриш ёки эшитиш). Қушлар ёввойи бўлиши керак, уларни тўкилган патлар ёки қолдиқларига қараб аниқлашга рухсат берилади. Агар турнир аниқ аниқлаш қийин бўлса, патлари, шакли, ўлчамлари, овозининг батафсил баёнини ёзиш, шунингдек нотаниш қушнинг расмини чизиш мумкин.

Ҳар бир команда ҳисобга олиш карточкасини тўлдиради, унга барча учраган қуш турларини киритади, сўнг эса уни ҳакамга беради (*CD/3-илова*). Энг кўп қушлар сонини кузатган команда танловда ғолиб ҳисобланади. Танлов тугагандан сўнг барча командалар мукофот ва

дипломлар билан тақдирланиши керак (CD/3-илова). Тадбирдан сўнг ҳисобга олиш маълумотларини Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамиятига маълумотлар базасини тўлдириш учун юбориш ёки беришни унутманг.

#### **Кутилаётган натижалар ва кейинги ҳаракатлар**

1. Ўз қўли билан чуғурчиқ уясини яшаш ва унда қуш болалари ўсишини кузатиш ҳам билим орттиришдаги, ҳам тарбиявий аҳамиятга эга.
2. Қушларни кузатиш бизга тирик жонзодларга ғамхўрлик қилишни ўргатади.
3. Барча қушлар кузатуви тўғрисидаги маълумотларнинг уларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамиятига юборилиши байрамнинг асосий натижаси бўлиши керак.

#### **Манбалар**

1. Общество охраны птиц Узбекистана [www.uzspb.uz](http://www.uzspb.uz);
2. Казахстанская ассоциация сохранения биоразнообразия [www.acbk.kz](http://www.acbk.kz);
3. Общество защиты птиц Болгарии <http://bspb-svishtov.org>;
4. Королевское общество защиты птиц Великобритании [www.rspb.org](http://www.rspb.org);
5. Красная книга Южного Урала <http://redbook.ru>;
6. Эко-проект «Очистка природных и сточных вод» [www.eco-project.ru](http://www.eco-project.ru);
7. Природа и человек <http://ecology.md>;
8. Энциклопедия владельца птицы [www.mybirds.ru](http://www.mybirds.ru);
9. Партнерство «Птицы и люди» [www.birder.ru](http://www.birder.ru).



## ЕР КУНИ

### **Экологик сананинг пайдо бўлиш тарихи ва унинг мақсадлари**


Ер кунига бағишланган илк тадбир АҚШда 1970 йил 22 апрелда ўтказилган. Унинг муваффақияти ташкилотчиларни илҳомлантириб, шундан буён ҳар йили байрам қилинади. 2009 йилда БМТ Бош Ассамблеяси Халқаро Она - Ер кунини эълон қилиб, уни 22 апрелда нишонлашга қарор қилди.

Экологик тақвимда «Ер куни» номли иккита байрам бор. Бири 22 апрелда, иккинчиси эса Баҳорги тенгкунлик 20-21 мартда нишонланади. Ҳар йили 20-21 мартда БМТ штаб-квартирасида Нью-Йоркда ва бошқа мамлакатларда анъанага кўра Ер аҳолисини бутун сайёра бирдамлигини ҳис қилиб, тинчлик ҳимоясига куч сарфлашга чақириб Тинчлик Қўнғироғи янграйди. Қўнғироқ осойишталик, тинч ҳаёт ва халқлар бирлигининг рамзидир. Биринчи Тинчлик Қўнғироғи 1954 йилда Нью-Йоркдаги БМТ штаб-квартирасида ўрнатилган. У бутун қитъаларнинг болалари томонидан хайр-эҳсон қилинган тангалардан қуйилган. Тинчлик Қўнғироғи Япония, Германия, Польша, Турция, Австралия, шунингдек бизнинг мамлакатимизда ўрнатилган.

***Бу байрамнинг тарихи Америка қитъасида яшаган Джон Мортон номи билан боғлиқлигини биласизми? XIX асрнинг охирида Джон Мортон Небраска штатининг, ёлғиз дарахтлари шиддатли кесиб олинаётган, овлоқ прериялари ҳудудига кўчиб келган. Мортон кўкаламзорлаштиришга бағишланган кун ташкил қилиб, энг кўп дарахт экканлар учун совринлар таъсис қилишни таклиф этган. Бу кун Дарахт куни деб номланиб Мортоннинг туғилган куни – 22 апрелда нишонлана бошланди.***

Ер кунининг рамзи оқ фонда яшил ранг билан тасвирланган Θ (Тета) грек ҳарфи бўлади. Бу байрамнинг рамзий белгилари билан сайёраимизнинг коинотдан олинган суратини ифодалайдиган Ер

Байроғи ҳам боғлиқ – ҳозирги вақтда Аполлон-17 астронавтлари томонидан Ойга кетишда олинган суратдан фойдаланилади.



**Байрамнинг асосий мақсади – дунё жамиятининг эътиборини Ер муаммоларига қаратиш.**

### **Ер куни турли мамлакатларда қандай нишонланади?**

- Дунёнинг 174 мамлакатида 12000 ташкилот «Ер куни тармоғи» халқаро ноҳукумат ташкилотига бирлашган.
- Россияда Ер куни 1992 йилдан буён нишонланади. 90 йилларнинг бошидан унинг нишонланишида асосий эътибор миллий боғларга қаратилади. Алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларни қувватлаш учун маблағ тўпланади.
- 2003 йил 23 апрел куни Тошкентда, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Тинчлик Қўнғироғи ўрнатилди. Ушбу комплекс Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва Япония «Тинчлик Қўнғироғи» ассоциацияси ташаббуси билан ўрнатилди. Қўнғироқдаги ёзувда «Яшасин бутун дунёда умумий тинчлик» дейилган.



### **Тадбирларни ўтказиш жойи ва вақти**

Ташриф қилувчилар сонидан барча хоҳловчиларни жалб этган ҳолда шаҳар маданият ва истироҳат боғлари, ботаника боғлари ва миллий боғларда. Ўқув муассасаларида мажлислар зали, холл, яхши ҳавода эса бино олдидаги майдон тадбир ўтказиш жойи бўлиши мумкин. Асосий шарт – кўп сонли иштирокчилар учун қулайлик ва ҳавфсизлик. Байрам дастури бир кунга мўлжалланган, танловларга тайёргарлик бир хафтадан икки хафтагача вақтни эгаллайди.

### **Керакли ресурслар**

1. Тренерлар (ўқитувчилар, экологик ва табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларининг аъзолари, волонтерлар);

2. Техника (компьютер, проектор, проектор учун экран, фотоаппарат);
3. Канцелярия буюмлари (ватман, маркерлар, бўёқлар, чўтка, қаламлар, рангли қоғоз, елим, скотч).

### **Ер кунини ўтказиш режаси**

Ўқув муассасасида байрамдан икки хафта олдин келгуси танловлар тўғрисида эълон қилинади. Танловларнинг таърифи ва шартлари кўрсатилган эълонни вестибюлда осиб қўйиш мумкин.

**«Фотоов» ўйини.** Ўйиннинг моҳияти муваффақиятли суратни овлашдан иборат. Бу, иштирокчиларнинг фантазия ва ғоялари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўладиган, топшириқни бажариш вақти эса ҳисобга олинмайдиган, ниҳоятда ижодий мусобақа. Иштирокчиларга бир нечта топшириқ берилади, одатда учтадан ўнтагача. Ҳар бир топшириқ қисқа жумла ёки битта сўздан иборат бўлади, унга асосланиб суратга олиш керак. Фотосурат ҳам саҳнабоп, ҳам кўчадаги тасодифий сурат бўлиши мумкин. «Қушлар бизнинг ҳаётимизда» мавзуси учун топшириқлар сифатида дунё халқларининг қушлар тўғрисидаги қуйидаги мақол ва маталларини таклиф қилиш мумкин:

- Сўз - чумчуқ эмас, учиб чиқса – тутиб ололмайсан;
- Кўринишидан бургут, ақли билан эса – каркур;
- Товус думини кўздан кечиради, яхши одам – ишларини;
- Ҳар ким ўз ғозларини оқ қуш деб ҳисоблайди;
- Қўшнининг товуғи курка бўлиб кўринади;

Ҳар хафтанинг охирида, финалга ўтадиган, 20та энг яхши фотосуратлар танлаб олинади. Танлов учун фотосуратларга рақамли ишлов берилмаган бўлиши керак.

Финалда суратлар иккита тизим бўйича баҳоланиши мумкин: «Ўзига ўзи баҳо бериш» ва «Суд мажлиси». Ўзига ўзи баҳо бериш — ўйинда иштирок этган командалар бошқа командаларнинг суратларини баҳолайди. Суд мажлиси — суратлар ҳакамлар томонидан ўн баллик шкала бўйича баҳоланади. Ҳакамлар олдиндан маълум, улар тўғрисида маълумот келгуси ўйин тўғрисидаги анонсда кўрсатилади. Улар ўқув муассасаси вакиллари, экологик ва табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларининг аъзолари, ўқувчилар сонидан ижодий шахслар бўлиши мумкин. Холислик ва асослиликни кучайтириш мақсадида ҳакамликка профессионал сураткаш ва дизайнерларни таклиф қилиш мумкин. Барча суратлари учун жами максимал ўртача балл олган иштирокчи ёки команда ғолиб бўлади.

**Ўйнаимизми? «Шеърда қуш номини топ». Ўйинчиларга шеърлар тарқатилади. Уларда қушларнинг энг кўп номини топган иштирокчи ғолиб бўлади (CD/4- илова).**

**Нотиқлик санъати танлови – берилган мавзу бўйича энг яхши чиқиш танлови.** Дастлаб бутун тадбирнинг мавзуси танлаб олинади, масалан, «Иқлим ўзгариши муаммоси». Байрамдан уч кун олдин ўқувчиларга келгуси танлов тўғрисида хабар бериб топшириқларни тарқатиш зарур. Иштирокчилар берилган мавзулар бўйича максимал 5 дақиқа давом этадиган чиқишлар тайёрлашлари керак. Оппонентлар турли нуқтаи назарларни ҳимоя қилишлари учун, топшириқларни жуфт–жуфт қилиб тузиш керак. «Иқлим ўзгариши муаммоси» мавзуси доирасида куйидаги топшириқларни таклиф қилиш мумкин:

- «Иқлимнинг ўзгариши – афсона ё воқеликми?»;
- «Нефть тугади: бу яхши ёки ёмон?»;
- «Электромобиль – тарафдор ва қаршилар»;
- «Атом энергиясининг келажаги борми?»;
- «Биоёқилғи: яхши ва ёмон томонлари».

Танловда максимал 5-6 жуфтликлар қатнашиши мумкин. Ҳакамлар ҳар бир жуфтликдан финалга чиқадиган ғолибни танлайдилар. Финалда танлов иштирокчилари импровизацияда мусобақалашадилар - уларда тайёргарликка вақт деярли бўлмайди. Оҳирги танлов якунлари бўйича ғолиблар аниқланади.

**Видеоролик ва слайд-шоу танлови.** Байрамдан икки хафта олдин танлов мавзуси танлаб олинади ва ўқувчиларга топшириқлар тарқатилади. Танловга ишларни ҳам командалар, ҳам индивидуал иштирокчилар тақдим этиши мумкин. Видеоролик ёки слайд-шоунинг максимал давомийлиги – 5 минут. Асосий шарти – видеоролик мазмуни топшириқнинг асосий ғоясини максимал аниқ ифодалаши шарт. Ғолиблар барча байрам иштирокчиларининг умумий овоз бериши йўли билан бир нечта номинацияда танланади: энг креатив ролик, энг жиддий ролик, энг илҳомлантирадиган ролик. Ғолибларга фахрий сертификатлар топширилади. «Ичимлик суви муаммоси» мавзуси учун куйидаги топшириқларни таклиф этиш мумкин:

- «Одамлар, сувни тежанг!»;
- «Бир томчи сув денгизни сақлар!»;
- «Сув тамом бўлса, нима бўлади?»;
- «Сув – суюқ олтин!»;
- «Оқаётган қран овчилари».

**Ўйнаимизми?** *«Ким нима ейди?». Бу ўйинни ўтказиш учун олдиндан икки турдаги карточкаларни тайёрлаб қўйиш лозим: қушлар номи ва озуқа турлари билан. Иштирокчилар, барча қушларга озуқа этиши учун, тегишли карточкаларни жуфтлари билан қўйишлари керак бўлади (CD/4-илова).*

**Байрамнинг энг яхши шиори, байроғи ёки рамзи танлови.** Ушбу танловни, Ер кунидан бир хафта олдин якун яшаш мақсадида, олдинроқ ўтказиш керак. Иштирокчилар сони чекланмаган. Фолибнинг танлови иккита босқичда ўтказилиши керак. Биринчи босқичда ташкилий қўмита, ҳар бир номинацияда, бир нечта, максимал бешта энг яхши ишни танлайди. Иккинчи босқичда овоз беришда барча хоҳловчилар иштирок этади. Танланган рамзни байрамда ишлатиладиган барча босма материалларда жойлаштириш керак. Байроқни байрам кунини тантанали кўтариш, шиорни эса вестибюл, холл ёки мажлислар залида осиб қўйиш мумкин.

**Расм ёки қўлда тайёрланган буюмлар танлови.** Олдинги танловлар каби, бу танлов ҳам маълум бир мавзу доирасида ўтказилиши керак. Масалан, расмлар танловини «Оққанотли қизилиштон – Ўзбекистонда 2011-2012 йил қуши» мавзусида ўтказиш мумкин. Бу ҳолда барча ишлар фақат ўқув муассасаси ичидаги мусобақада қатнашиб қолмай, Ўзбекистон Қушларни Муҳофаза қилиш Жамиятининг танловида ҳам иштирок этиши мумкин. Қўлда тайёрланган буюмлар танловини қуйидаги мавзулар бўйича ўтказиш таклиф қилинади: «Пластик бутилкалардан ясалган буюмлар», «Пластик пакетларнинг иккинчи ҳаёти», «Табиий материаллардан ясалган буюмлар». Қўлда тайёрланган буюмлар учун ишлатилган пластик бутилка ва пакетлар ишлатилишини ҳисобга олиш муҳим. Танловга, таърифи қуйида келтирилган, кўргазма ва хайрия аукциони шаклида якун яшаш мумкин.

**Ўйнаимизми? «Қуш номини яса!». Ўйинни ўтказиш учун, қушларнинг номи шифрланган анаграммалар ёзилган карточкалар тайёрлаш керак бўлади. Иштирокчиларнинг вазифаси қуш номлари ҳосил бўлиши учун ҳарфлар жойини алмаштириш (CD/4–илова).**

### **Яқуний байрам.**

- Конференция. Дастлаб иштирокчиларни командаларга бўлиб, конференция мавзуси ва унинг мақсадлари билан таништириш керак. Ўқув муассасаси ичидаги битим, қоидалар тўплами ёки конвенция конференция натижаси бўлиши мумкин. Масалан, «Сувдан самарали фойдаланиш» мавзусини танлаш мумкин. Мунозара вақтида иштирокчилар сувдан самарали фойдаланишнинг жаҳон миқёсидаги тажрибаси, ҳамда мамлакатда сув ресурслари билан бўлган вазият тўғрисида ҳикоя қилишлари ва сув билан таъминлаш муаммоси ечимининг ўз вариантларини таклиф қилишлари керак бўлади.



- Расм ва қўлда тайёрланган буюмлар кўргазмаси ва хайрия аукциони. Экспонат ва лотлар сифатида танлов ишлари бўлади. Ўқувчилар ёққан буюм ёки расмни танлаб, уни рамзий нарҳга сотиб олишлари мумкин. Тўпланган маблағлар ўқув муассаса ёки экологик клуб фондига юборилади. Кўргазма вақтида хоҳловчилар буюмларни қўлда тайёрлаш бўйича дарслар ўтказиши ёки рассомлик сирлари билан ўртоқлашишлари мумкин.
- Эко-викторина. Олдиндан викторина мавзуси танланади, бир неча қийинчилик даражасидаги саволлар, ўйинлар ва ғолиблар учун совринлар тайёрланади. Масалан, «Бу ажойиб қанотлилар» мавзусини танлаш мумкин. Иловада турли ёшдагилар учун презентация шаклидаги викторинани топасиз (CD/4–илова).

**Ўйнаймизми?** *«Ҳар қандай қуш тумшуғи билан тўқ». Иштирокчилар ҳашаротхўр, сувда сузувчи, йиртқич ва донхўр қушларни топиб тумшуқларини чизишлари керак бўлади (CD/4-илова).*

#### **Кутилаётган натижалар ва кейинги ҳаракатлар**

1. Ёшлар ва катталарнинг муҳим экологик муаммолар тўғрисида хабардорлик даражасини ошириш. Иштирокчиларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш.
2. Иштирокчиларда команда бўлиб ишлаш ва аудитория олдида чиқиб гапириш кўникмаларини ривожлантириш.
3. Энг яхши сурат ва видеоролик танловларидан ўқув жараёнининг компоненти сифатида фойдаланиш мумкин.
4. Экологик ва табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларига янги аъзоларни жалб этиш.

#### **Манбалар**

1. Письма о Ташкенте <http://mytashkent.uz>;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати <http://www.press-service.uz>.



## УМУМЖАҲОН КЎЧИБ ЎТУВЧИ ҚУШЛАР КУНИ

### Экологик сананинг пайдо бўлиш тарихи ва унинг мақсадлари

Халқаро кўчиб ўтувчи қушлар куни 2006 йилда Қўчиб ўтувчи турларни сақлаш бўйича Конвенция (CMS) билан ҳамкорликда Афро-Евроосиё Кўчиб ўтувчи Сув-ботқоқлик Қушларининг муҳофазаси бўйича Битим (AEWA) билан глобал ахборот-таълим кампания сифатида жорий этилган. Ушбу экологик сана май ойи иккинчи хафтасининг дам олиш кунинда нишонланади.

Ҳар йили Халқаро кўчиб ўтувчи қушлар кунининг мавзуси танланади. Масалан, қушларнинг миграция йўлларида одам томонидан қурилган тўсиқлар 2009 йилнинг мавзуси бўлди. 2010 йилда ушбу байрам «Кўчиб ўтувчи қушларни инқирозда сақлаб қолиш – ҳар бир тур ўз аҳамиятига эга» шиори остида ўтказилди. 2011 йилнинг мавзуси ерлардан фойдаланиш бўлди. Жорий йилнинг мавзусини Халқаро кўчиб ўтувчи қушлар кунининг сайтидан билиб олиш мумкин.



World Migratory Bird Day

**Биласизми, Арктикадан Антарктикага учиб, 70 минг километр учиб ўтадиган ягона қуш - қутб чигиртчиси энг узун учиб ўтишларни амалга оширади. Қутб чигиртчиси BirdLife International Бутун жаҳон Қушларни Муҳофаза қилиш Ассоциациясининг рамзи сифатида танланган.**

### Умумжаҳон кўчиб ўтувчи қушлар куни турли мамлакатларда қандай нишонланади?

- 2006 йилда умумжаҳон кўчиб ўтувчи қушлар куни нишонланишининг биринчи йилида кампаниянинг «Қанотлар» деб номланган марказий тадбири Кенияда, Буюк Рифт

Водийсининг чеккасида ўтказилди. Бутун дунёдан 200дан ортик вакиллар бу ажойиб байрамга қўшилдилар.

- 2009 йилда Арманистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти ўқувчилар учун презентациялар ва қушларнинг кузатуви, ҳамда қушлар ўз йўлларида тўқнашишга мажбур бўлган тўсиқларни тушунишга ёрдам берган «Қушларнинг кўчиб ўтиши» ролли ўйинини ташкил этди.
- 2010 йилда йўрға тувалоқни муҳофаза қилиш ташкилоти Покистонда Наг-Ракшан водийсида аҳолининг хабардорлигини ошириш бўйича тадбир ўтказди. Ушбу водий тувалоқнинг қишлаш жойи бўлади. Энергия манбаларининг йўқлиги туфайли, маҳаллий аҳоли ёқилғи сифатида водий ўсимликларини ишлатади, бу йўрға тувалоқни йўқ бўлиб кетиш ҳавфи остига қўйди.

**Байрамнинг асосий мақсади – бутун дунёда кўчиб ўтувчи қушлар ва уларнинг яшаш жойларини сақлашни сингдириш.**

#### **Экологик санани ўтказиш жойи ва вақти**

Халқаро кўчиб ўтувчи қушлар кунига бағишланган тадбирларни очиқ ҳавода ҳам, бинода ҳам ўтказиш мумкин. Тадбир дастури 1 соат 30 дақиқа мўлжалланган.

#### **Керакли ашёлар**

1. Проектор;
2. Компьютер;
3. Экран;
4. Рангли қаламлар;
5. Столлар;
6. Стуллар.

#### **Умумжаҳон кўчиб ўтувчи қушлар кунини ўтказиш режаси**

**Тадбирингни рўйхатдан ўтказ!** Тадбирни ўтказишдан олдин Халқаро кўчиб ўтувчи қушлар кунининг манбаларда кўрсатилган расмий сайтига киришингиз, унда рўйхатдан ўтишингиз ва унча қийин бўлмаган шаклни тўлдириб, режалаштирилаётган тадбир тўғрисида маълумот беришингиз мумкин. Бундан кейин сайтда тадбирингиз тўғрисида маълумот пайдо бўлади. Агарда рўйхатдан ўтишда ўз почта манзилингизни кўрсатсангиз, сизга Халқаро кўчиб ўтувчи қушлар кунига бағишланган плакат ва бошқа информацион материаллар юборилади.

**«Қушларнинг кўчиб ўтиши» кириш маърузаси.** Маърузада «Қандай қушлар кўчиб ўтувчи ҳисобланади?», «Нима учун қушлар кўчиб ўтади?», «Қушлар каерга кўчиб ўтади?», «Қушлар қандай қилиб йўлни топади?» ва бошқа саволлар бўйича асосий маълумот

келтирилган. Маърузанинг тўлиқ матнини, ҳамда презентацияни иловада топишингиз мумкин (*CD/5-илова*). Кичик ёшдаги болаларга «Қуш танасининг тузилиши» бўяш китобини таклиф қилиш мумкин (*CD/5-илова*).

### Ўйинлар.

#### 1. «Учиб ўтиш йўли».

Иштирокчилар иккита гуруҳга бўлинади: «Кўчиб ўтувчи қушлар» ва «қушларга ҳавф туғдирувчи омиллар» омиллар қуйидагилардан иборат: ЭУЛ – электр узатиш линиялари, йиртқичлар, ёнғин ва браконьерлар.

Ерда уялаш (старт) ва қишлаш (финиш) жойларини ифодалайдиган, бир биридан 10 м масофада бўлган иккита чизиқ чизилади. «Қушлар» командаси стартда сафланади ва финишгача югуруб боришга тайёрланади. Чизиқлар орасидаги масофада «ҳавф туғдирувчи омиллар» жойлашади. Бошловчининг командаси бўйича «қушлар» «кўчиб ўтишни» бошлайди. Улар «кўчиб ўтиши»га ҳалақит берадиган барча омиллардан ўтишлари керак. Агарда «омиллар» «қушга» тегса, у ўйиндан чиқиб кетади.

Ҳар бир омил учун маълум шартлар бор:

- «ЭУЛ» фақат битта жойда туради ва қўлларини чўзиб «қушларга» етказмоқчи бўлади;
- «Йиртқичлар» фақат параллел йўналишда ҳаракат қиладилар;
- «Ёнғинлар» ҳарактланади, бироқ жуда секин;
- «Браконьерлар» югуриб тутиб олишга ҳаракат қиладилар.

Кўчиб ўтиш тугагандан ва «қушлар» нинг бир қисми тайинланган жойга етиб келганидан сўнг, омон қолган қушларнинг сони аниқланади. Ўйиндан кейин қушларга кўчиб ўтиш йўлларида қайси таҳдид ва у нима учун ҳавфлироқлигини муҳокама қилиш керак.

#### 2. «Тарғоқнинг кўчиб ўтиши».

Бу катта синф ўқувчилари ҳамда талабалар учун қизиқарли бўладиган интерактив ўйин. Тарғоқ – йўқолиб кетиш ҳавфи остидаги, Халқаро ва Ўзбекистон Қизил китобларига киритилган унча катта бўлмаган қуш. Қозоғистон ва Россия жанубининг очиқ яйловларида уялайди. Жанубга Марказий Осиё орқали Покистонга ва Хиндистоннинг шимоли-ғарбига, ҳамда Кавказ ва Жануби-Ғарбий Осиё орқали Африка қитъасининг Шимоли-Шарқий қисмига кўчиб ўтади.



Ўйин шарти бўйича 4тадан 8тагача иштирокчи Хиндистондан Қозоғистонга олти қадамга кўчиб ўтишни бошлайдиган «тарғоқ» бўлади. Ҳар қадамда улар карточка танлайдилар (*CD/5-илова*). Карточкалар «тарғоқлар»га кўрсатмалар беради: олдинга, орқага силжиш, тўхташ, ўйиндан чиқиш – турли омилларнинг кўчиб ўтишга бўлган таъсирига қараб. Ўйин бошида, ҳар бирида қўлида карточкалар билан биттадан кўнгилли туриши учун, бта қадам белгилаш керак. Қадамлар табиий, бўр билан чизилган ёки фараз қилинган бўлиши мумкин.

Биринчи қадамда карточкалар ушлаб турган кўнгилли карточкани ихтиёрий танлайди ёки «қушга» танлашни таклиф қилади. У карточкадаги ёзувни овоз чиқариб ўқийди. Баъзи «тарғоқлар» олдинга силжийди, бошқалари эса жойларида қолади. Ишлатилган карточка яна бошқалари билан аралаштирилади. Барча «тарғоқлар» биринчи қадамдан ўтгандан кейин, улар навбатма навбат иккинчи қадамга ўтишлари мумкин. Олдинга бир қадамга силжиган «қушлар» иккинчи ихтиёрийдан карточкаларни оладилар, жойида қолганлари эса карточкаларни биринчисидан оладилар.

Финишга муваффақиятли етиб келган биринчи «Тарғоқ» соврин олиши керак. Ўйин барча «қушлар» кўчиб ўтишини тугатмагунларича давом этади. Ўйин тугагандан сўнг, музокара ўтказиб, натижаларни таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш зарур.

#### **Кутилаётган натижалар ва кейинги ҳаракатлар**

Иштирокчилар кўчиб ўтувчи қушлар ва уларнинг йўлларидаги қийинчиликлар тўғрисида тасаввурга эга бўладилар.

#### **Манбалар**

1. Всемирный День мигрирующих птиц  
<http://www.worldmigratorybirdday.org>;
2. Африкано-Европейский проект UNEP-GEF по пролётным путям «Крылья над водно-болотными угодьями»  
<http://wow.wetlands.org>;
3. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. Т. 2. Ҳайвонлар. - Тошкент: Chinor ENK, 2009. - 216 б.



## ХАЛҚАРО БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИК КУНИ

### **Экологик сананинг пайдо бўлиш тарихи ва унинг мақсадлари**

Ушбу кун 1995 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция томонлари Конференциясининг тавсиялари асосидаги қарорида байрам сифатида эълон қилинган. Қарорда 29 декабр ушбу экологик сананинг нишонланиш куни деб белгиланган. Шу куни Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция кучга кирган.

Бироқ нимага бугун биз Биологик хилма-хиллик кунини 22 майда нишонлаймиз? Гап шундаки, қиш ойларига кўп байрамлар тўғри келади ва кўп мамлакатларда экологлар Биологик хилма-хиллик кунини декабрнинг охирида нишонлаб қийинчиликлар билан тўқнашдилар. Шунинг учун 2000 йилда БМТ Бош Ассамблеяси бу байрамни 22 май, Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенциянинг мувофиқлаштирилган матни қабул қилинган кунда нишонлашга қарор қилди.

**Биласизми, «биологик хилма-хиллик» сўз бирикмасини инглиз табиатшунос ва сайёҳатчи Генри Бейтс бир соатлик сайр ичида капалакларнинг 700 турини учратгани тўғрисидаги таъсиротларини «Табиатшунос Амазонкада» асарида таърифлаётганида илк бор қўллаган.**

**Халқаро биологик хилма-хиллик кунининг асосий мақсади флора ва фауна вакилларининг йўқолиб кетиш муаммосига жамоатчилик эътиборини қаратишдан иборат.**

БМТ Бош Ассамблеяси ҳар йили Биологик хилма-хиллик кунининг мавзусини эълон қилади. Шундай қилиб, 2011 йилда «Ўрмонлар биохилма-хиллиги: Ернинг жонли бойлиги» мавзуси эълон қилинди. Биологик хилма-хиллик кунининг мавзуси билан

<http://www.un.org/ru/events/biodiversityday> сайтыда танишишингиз мумкин.

### **Биологик хилма-хиллик куни турли мамлакатларда қандай нишонланади?**

- Биологик хилма-хиллик куни Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенцияни имзолаган 150дан ортиқ мамлакатда нишонланади.
- Нью-Йорк ҳайвонот боғида ушбу кунга рамзий мазор ўрнатилди: бу ерда сўнгги 400 йил ичида Ер юзидан йўқ бўлиб кетган ҳайвонларнинг номлари туширилган 200та қабр тошлари қўйилди.
- Россияда Биологик хилма-хиллик куни асосан қўриқланадиган табиий ҳудудлар – қўриқхона ва табиат боғларида нишонланади.
- Беларусияда мактаб ўқувчилари қуш ва кўршапалаклар учун уйчалар ясадилар, кейин эса шу уйчаларда тасвирланадиган, энг яхши экологик шиор танловларида иштирок этадилар.
- 2006 йилда Биологик хилма-хиллик куни бизнинг мамлакатимизда Бўстонлиқ тумани Бурчмулла қишлоғида кенг нишонланди. Қишлоқда жуда зўр тайёрланган экологик ва табиатни муҳофаза қилиш мавзулари бўйича чиқишлар, ашула, рақс ва танловлар бутун кун мобайнида давом этди.

### **Тадбир ўтказиш жойи ва вақти**

Ҳар қандай аудитория Биологик хилма-хиллик кунини ўтказиш жойи бўлиши мумкин. Аудиториядаги машғулотларни ҳовлида интерактив ўйинлар билан тўлдириш мумкин. Шунингдек бу кунни, Тошкентда ўндан ортиқ фаолият кўрсатаётган маданият ва истироҳат боғларининг бирида ўтказиш мумкин.

Мактаб ва лицейда байрамни битта ёки иккита биология дarsi давомида ўтказиш мумкин. Олий ўқув юртларида Биологик хилма-хиллик кунини икки hafta ёки бир ой ичида, тўртта лекция давомида ўтказиш таклиф қилинади. Шаҳар боғида очиқ ҳавода байрамларни битта дам олиш куни давомида ўтказиш тавсия қилинади.

### **Тадбир ўтказиш учун зарур ашёлар**

- Бошловчилар ва уларнинг билимлари билан ўртоқлашиш истаги;
- Компьютер;
- Проектор ва экран;
- Канцелярия буюмлари (ватманлар, маркерлар, скотч, лазер указка);
- Пластик столлар (2 дона);
- Пластик стуллар (2 дона);

- Дурбин (2 дона);
- Штативли кузатиш трубаси;
- Фотоаппарат.

### **Биологик хилма-хиллик кунини ўтказиш режаси**

**Олий ўқув юртида.** Тадбирни университетда ёки институтда ўтказиш учун «Ўзбекистон 5 вилоятлари университетлари биологик ва табиий факултетларининг талабалари учун таълим дастури» доирасида Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти томонидан ишлаб чиқилган «Биохилма-хиллик» таълим модулидан фойдаланиш тавсия этилади (CD/6-илова). Модул тўртта сессиядан иборат, уларни биология ва табиий фанлар факултетларида бир ой давомида ҳафтада бир марта ўтказиш тавсия этилади.

**Мактаб ёки лицейда/коллежда.** Биохилма-хиллик кунини биология, экология ёки расм дарсида ўтказиш таклиф қилинади. Байрамни ўтказишда ўқувчилар бу йил Ўзбекистонда Йил қуши сифатида танланган қуш расмини чизишлари ёки уни ясашлари мумкин. Масалан, оққанотли қизилиштон Ўзбекистонда 2011-2012 йил Қуши бўлади. Дасрнинг бошида, расм ва қўлда тайёрланган буюмларни йил қушининг энг яхши расми танловида иштирок этиш учун, қўлланмада кўрсатилган манзил бўйича Қушларни муҳофаза қилиш жамиятига юбориш мумкинлигини эълон қилиш керак. Расмлари ҳайъат томонидан энг яхши деб топилган муаллифлар совринлар билан тақдирланади.

Машғулотларни ўйин шаклида ўтказиш тавсия этилади. Машғулотнинг бошида ўқувчиларни учта командага бўлиш керак. Бунинг учун бошловчи учта ҳайвонни танлаши мумкин, масалан, қуён, айиқ ва тулкини. Кейин ҳар бир ўқувчининг ёнига бориб ҳайвонлардан бирининг номини қўлоғига пичирлаб айтиши керак. Бундан кейин барча «қуён», «айиқ» ва «тулки»ларни командаларга бирлашишини сўранг.

Шаклланган командалар ўзларига ном топишлари керак. Бу турли ҳайвон ёки ўсимликнинг номи бўлиши мумкин. Ҳар бир команда ўз номини ватманда тасвирлайди ва шиор ўйлаб топиши керак. Кейин командалар навбатма навбат чиқиб ўзлари ҳақида қолганларга сўзлаб беради. Байрам ўйин шаклида ўтказилганлиги сабабли, дарс охирида энг яхши командани танлашга имкон берадиган тизим керак. Биз командаларга энг яхши чиқиш ва ҳар бир тўғри жавоб учун биттадан очко беришни таклиф қиламиз. Очко сифатида қоғоздан кесиб олинган турли ҳайвон ва қушлардан фойдаланиш мумкин.

Разминка бошланади, унинг жараёнида ҳар бир команда тез айтишни тез, ифодали ва ҳаяжонли айтишлари керак (CD/6-илова).

Танловлар:



- «Пазллар» ўйини. Қушларнинг иккита тури тасвирланган алоҳида қоғоз бўлакчаларидан иккита бутун расм йиғиш (CD/6-илова);
- «Тескари кроссворд» ўйини. Жадвалда белгиланган ҳарфлардан фойдаланиб қушлар номини ўйлаб топиш (CD/6-илова);
- «Кроссвордни ўйлаб топ» ўйини. Иккита командага вақтга кроссворд ечиш таклиф қилинади (CD/6-илова).

Ҳаво очиқ бўлса, аудиториядаги машғулотларни очиқ ҳаводаги ўйинлар билан бойитиш мумкин. Бунинг учун мактаб ёки лицей ховлисига чиқиб, масалан, «Қуш қаерга яширинди?» ўйинини ўйнаш мумкин (CD/6-илова);

**Ўйнаймизми?** *«Кўк қуш овчилари» ўйини. Материаллар: кўнғироқча, рўмол, кўк қушнинг импровизация қилинган костюми. Бу қувноқ ўйинни аудиторияда ўтказиш мумкин. Қура бўйича, кўнғироқчи бўлиш тушган, битта ўйинчининг бўйнига кўнғироқча осилади ва у кўнғироқчанинг чалишига атайлаб ҳалақит бермаслиги учун қўллари орқага қилиб боғланади. Қолган иштирокчиларнинг кўзлари боғланади – уларнинг вазифаси кўнғироқчини тутиб олиш. Кўнғироқчини тутиб олган у билан ўрин алмашади.*

**Байрамни маданият ва истироҳат боғида ўтказиш.** Байрамга тайёргарлик кўришда тадбирни ташкилотингиз фаолияти режасига олдиндан киритиб қўйиш керак. Маданият ва истироҳат боғида аниқ экологик санага бағишланган тадбир ўтказмоқчи бўлсангиз, дастлаб ташкилотингиз номидан хат билан боғ раҳбариятига мурожат этиб розилик олишингиз зарур. Тадбирни ўтказишга маъсул ёки ташкилотингиз раҳбари тадбирни ўтказиш вақтига дурбин, штатив билан кўриш трубаси, «Қушларни қандай кузатиш...» рисоласи (CD/1-илова) ва «Ўзбекистоннинг 100та қуши» плакатларини тақдим этишни сўраб, Ўзбекистон қушларини муҳофаза қилиш жамиятига расмий мурожат қилишлари мумкин.

Байрамни ўтказишга тайёргарлик кўраётганда, боғнинг тадбир ўтказиладиган қисмини безатиш тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Материал сифатида безатиш учун, реклама тахталари ва дарахтларга осиб қўйса бўладиган, ташкилотингиз тўғрисида маълумотлар бор баннер ва плакатлар ишлатилиши мумкин. Тарқатма материалларни намойиш қилиш ва тарқатиш учун, ташкилотингизнинг тарқатадиган материаллари бўлган «экологик стол»ни безатиш мумкин. Бундай стол

ёнида доимо, қилаётган ишларингиз тўғрисида ҳикоя қиладиган, ташкилотингиз ходими ёки волонтер туриши керак.

Экологик столдан ташқари «ўйинлар столи» ҳам бўлиши керак. Ушбу столга жавобгар волонтер боғқа келувчиларга ўйинларда иштирок этишни таклиф қилиши керак. Бунда қайси ёшдаги гуруҳларга қандай ўйинлар мосроқ бўлиши тўғрисида олдиндан ўйлаб қўйиш керак. Масалан, куйида таърифланган «Менинг қушчам» ўйинида турли ёшдагилар иштирок этишлари мумкин. Байрам доирасида асфалтда расм чизиш танловини ўтказиш мумкин. Расмлар Биологик хилма-хиллик кунининг мавзусига, масалан, 2011 йилда ўрмонларга бағишланиши мумкин.

**«Менинг қушчам» ўйини.** Иштирокчилар 2-3 кишидан иборат бўлган гуруҳларга бўлинади. Иштирокчиларнинг вазифаси дурбинлар ёрдамида боғда яшайдиган ҳар қандай қушни топиш, яхшилаб кўриб олиш, эслаб қолиб унга ном бериш. Ўйин олдиндан суратлар учун рамка кўринишида безалган бир нечта А4 форматдаги қоғозни тайёрлаб қўйиш керак. Бу рамкаларда командалар ўз қушини тасвирлашлари – «суратга олишлари» керак бўлади. Барча командалар қушларини «суратга олгандан» сўнг, иштирокчилар расмларини қолганларга намойиш этишлари керак бўлади. Қушни амалдагига яқин тасвирлаган ва унга тўғри ном берган команда ғолиб бўлади.

**«Акула ва пингвинлар» ўйини.** Иштирокчилар сони – 8-10 киши. Бошловчи акула ролида чиқади, қолганлар эса пингвинлар ролида. Ўйин учун тўртта тенг қисмга бўлинган ватман керак бўлади. Ватман қисмлари – пингвинлар сузиб юрган денгиздаги муз парчалари. Бошловчи «Пингвинлар сузмоқда» дейди. Бу вақтда иштирокчилар пингвинлар каби, ватман варақлари орасида юрадилар. Кейин бошловчи ўзини акула қилиб кўрсатиб, «Акула!» дейди. «Пингвинлар» музлар – ватман варақларига чиқиб олишлари керак. Улгурмаганлар ўйиндан чиқадилар. Сўнг бошловчи иқлим ўзгариши натижасида музлар эриётганини айтади. У ватман варақларининг бирини олиб қўяди. Ўйин давом этади. Кейин бошловчи ватманнинг яна бир бўлагини олиб қўяди. Ҳар гал «пингвинлар» «акула»дан бекиниши мумкин бўлган «музлар» камаяди. Натижада барча ўйин иштирокчилари ватманнинг битта бўлагига сиғишлари керак.

**«Foto-click» ўйини.** Ўйинни ўтказиш учун қоғоз ва маркерлар керак бўлади. Иштирокчилар жуфтликларга бўлинади: бири – сураткаш, иккинчиси – фотоаппарат. Сураткаш вазифаси – суратга олиш учун қандайдир чиройли жойни танлаш. Сўнг у ушбу жойга, кўзлари юмиқ ёки боғлоқ бўлган, «фотоаппаратини» олиб келади. «Фотоаппарат», пастга эгилиб, оёқлар орасидан, команда бўйича кўзларини очиб, сураткаш танлаган жойни маълум бир вақт ичида кўриб олиши керак. Сураткаш командаси бўйича кўзлар юмилади. Бундан кейин

«фотоаппарат» кўрган манзарани тасвирлаб бериши: таърифлаб бериши ёки расмини чизиши керак.

### **Кутилаётган натижалар ва кейинги ҳаракатлар**

Тадбирни ўтказиш натижасида қуйидагиларга эришилади:

1. Биологик хилма-хиллик ва унинг муҳофазаси зарурлиги тўғрисида ҳикоя қилиш.
2. Шаҳар маданият ва истироҳат боғлари ташриф буюрувчиларининг табиатни муҳофаза қилиш доирасидаги дунёқараш даражасини ошириш.
3. Тадбирларда фаол қатнашишга 500га яқин боғқа келувчиларни жалб этиш.

### **Манбалар**

1. Постнова Е.А., Коротенко В.А., Домашов И.А. В мастерской предмета «Экология»: пособие для учителей по сохранению биоразнообразия. / Под общ. Ред. В.А. Коротенко. – Б.: 2003. – 168 с.;
2. «Ўзбекистон 5 вилоятлари университетларининг биологик ва табиий факультетлари талабалари учун интерактив таълим дастури» лойиҳаси бўйича услубий қўлланма / О.Р. Кашкаров, Э. Кошкин, А.А. Атаходжаев, А.Г. Тен. Тошкент: Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти, 2011. – 200 с.;
3. Международный День биологического разнообразия <http://www.un.org/ru/events/biodiversityday>;
4. Про каждый день... <http://proeveryday.ru/index.php>;
5. По страницам экологического календаря <http://dob.1september.ru/2003/08/7.htm>;
6. Аксартова Ж., Кошкин Э. Справочник игр. Алматы: Ассоциация сохранения биоразнообразия Казахстана (АСБК), 2009. – 19 с.



## УМУМЖАҲОН АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

### Экологик сананинг пайдо бўлиш тарихи ва унинг мақсадлари

Умумжаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш куни 1972 йилдан бошлаб 5 июнда нишонланади. У экологик календарнинг энг муҳим саналаридан бири ҳисобланади. Ушбу сананинг танланиши шу куни Стокгольмда, кетидан атроф муҳит бўйича БМТ Дастури (ЮНЕП)нинг ишлаб чиқилиши юз берган, атроф муҳит муаммолари бўйича БМТ Конференциясининг очилиши билан асосланган.

**Байрамнинг асосий мақсади - атроф муҳит муаммоларига жамоатчилик эътиборини қаратиш ва инсоннинг табиий ресурсларга бўлган муносабатини ўзгартиришдаги кескин заруриятни таъкидлаш.**

Ҳар йили ушбу экологик байрамнинг мавзуси ва шиори аниқланади. 2011 йил мавзуси - «Ўрмонлар: табиат инсон хизматида».



### 5 июн турли мамлакатларда қандай нишонланади?

- Ҳар йили дунё шаҳарларидан бири Атроф муҳит кунини ўтказиш марказий жойи қилиб танланади. 2011 йилда ушбу куннинг асосий ҳодисалари Ҳиндистоннинг Мумбаи ва Деҳли шаҳарларида ўтказилди.

- Россияда 5 июнда Атроф муҳит куни билан бир қаторда Эколог куни ҳам нишонланади. Ушбу экологик саналарга бағишланган байрамона тадбирлар барча алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларда ўтказилади.
- 2010 йилда 5 июн куни Тошкентда ҳам, Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида нишонланди.

### **Тадбирни ўтказиш жойи ва вақти**

Ушбу тадбирни очик ҳавода ўтказган макул. Бу шаҳар истироҳат боғи ҳамда мактаб ёки олий ўқув юртининг боғи бўлиши мумкин. Тадбир дастури 3 соатга мўлжалланган.

### **Тадбирни ўтказиш учун зарур ашёлар**

Презентация ўтказиш учун, атроф муҳит ва экологик муаммолар тўғрисида сўзлаб берадиган, тажрибали модератор керак бўлади. Тренерлар сифатида таклиф қилинган давлат табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларининг экспертлари иштирок этишилар мумкин. Ўйин ва танловларни ўтказиш учун жавобгарлар сифатида - экологик ташкилотларнинг волонтерлари хизмат қиладилар.

Презентациялар ўтказиш учун қуйидагилар керак бўлади: проектор, экран, компьютер, колонкалар, узайтиргич, иштирокчилар учун стуллар. Танловлар учун қуйидагилар керак бўлади: дурбинлар, қушларнинг кесиб олинган суратлари, арқон, секундомер, кузатувларни тўлдириш учун шакллар, қаламлар, ҳайвонларнинг ёзилган овози, «WildLife counting» ўйини, «Ўзбекистоннинг 100та қуши» плакатлари, бошловчи учун натижалар ёзишга ён дафтарча.

### **Умумжаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш кунини ўтказиш режаси**

**Байрамнинг очилиши.** Ташкилотчиларнинг байрам ва унинг тарихи тўғрисида кириш сўзи, меҳмонларнинг табрик сўзлари янграйди. Иштирокчилар презентация ва танловлар дастури билан танишадилар. Презентация ва танловларда фаол иштирок этишлар совринли очколар билан баҳоланиши керак. Энг кўп очко тўплаган иштирокчилар ғолиб деб эълон қилинадилар.

**Асосий қисм.** Иштирокчиларга қуйидаги мавзуларда презентациялар намойиш этиш мумкин: «Глобал экологик муаммолар» ва «Ўзбекистон Республикаси биохилма-хиллиги» (CD/7-илова). Шунингдек экологик мультфильмлар намойиш этиш мумкин (CD/7-илова).

#### **Танлов ва ўйинлар.**

1. «Ким кўпроқ қушларни эслаб қолади?».

Ушбу ўйин ёрдамида кўп одамни Ўзбекистон қушлари билан таништириш мумкин. Тайёргарлик қўриш босқичида узун ёғоч рейканинг иккала томонидан учтадан «Ўзбекистоннинг 100та қуши» плакатини маҳкамлаб қўйиш керак. Рейканинг бир томонидаги плакатларда қушлар номи бекитилади ёки маркер билан бўялади.

Ҳосил бўлган стенд, унинг ёнига иккала томонидан ҳам борса бўладиган қилиб, арқон ёрдамида осилади. Сўнг 3 иштирокчи стенд ёнига қушлар номи бекитилмаган томонидан бориб, ҳар бири ўзининг плакатиغا қарама қарши туради. Бир дақиқа давомида улар плакатда тасвирланган қушларнинг иложи борица кўпроқ номларини эслаб қолишлари керак. Бундан кейин стенд қушлар номи бекитилган томони билан бурилади. Кейинги дақиқа ичида ҳар бир иштирокчи плакатларда тасвирланган қушларнинг номини эслашга ҳаракат қилади. 100тадан энг кўп турни эслаб қолган иштирокчи ғолиб бўлади. Ҳар қандай ёшга мўлжалланган.


## 2. «Куйни топ».

Танлов Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳрида учратишимиз мумкин бўлган энг оддий ҳайвонларнинг овозини билишга қаратилган. Ҳар бир иштирокчиларга (улар 4тадан 10тагача ва ундан ортиқ бўлиши мумкин) ҳайвонларнинг овозини эшиттиришдан иборат. (CD/7-илова). Бошида танилиши осон бўлган овозлар эшиттирилади, масалан, бақанинг вақирлаши, сўнг қийинроқлари. Овоз қайси ҳайвонга тегишли бўлганини тополмаган иштирокчилар ўйиндан чиқади, ғолиблар эса совринли очколар олади. Ҳар қандай ёшга мўлжалланган.

## 3. «Ҳайвонлар сонини ҳисоблаш».

«WildLife Counting» махсус ишлаб чиқилган компьютер дастури ҳайвонларни ҳисобга олишни интерактив ва тез ўтказишни ўрганиб олишга имкон беради. Бунинг учун компьютернингизга компьютер дастурининг Иловада мавжуд бўлган демо-версиясини ўрнатишингиз керак (CD/7-илова). Демо-версияда ўйиннинг 2 варианты ишлайди – кўлда оқ қушларни ҳисобга олиш ва учаётган ўрдакларни осмонда ҳисобга олиш. Экранда, ўйин иштирокчиси ҳисоблаши керак бўлган, қушлар учинининг имитацияси ўтади. Ҳар бир иштирокчи унинг давомида қушларни ҳисоблаб уларнинг сонини айтиши керак бўлган, вақт интервалига эга. Рақамни имитациядан сўнг пайдо бўладиган ойнасига киритиш керак. Бундан кейин натижалар бор ойна пайдо бўлади. «Your estimate» устунида сизнинг сонингиз бўлади, «Actual number» устунида эса – ҳақиқий сон.

Ҳайвонларни жуда тез санаш керак, сони кўп бўлганда 5, 10, 50



ёки 100та қушдан санаган афзалроқ. Ушбу ўйин ҳайвонларнинг аниқ сонини кўрсатгани учун, ғолибни аниқлаш жуда осон. Ўйинни гуруҳлар ҳам, алоҳида иштирокчилар ҳам ўнашлари мумкин. Ғолиблар совринли очколар олади.

#### 4. «Бёдвочинг».

Танлов мақсади – иштирокчиларни шаҳар қушлари билан таништириш. Бу тадбирга тайёргарлик кўриш учун «Қушларни қандай кузатиш...» рисоласини ўқиб чиқиш керак (*CD/1-илова*). Дастлаб боғнинг қулай бўлган участкасини танлаб байроқли тасма билан ажратиш лозим. Участка периметри 50 метрдан кам бўлмаслиги керак. Кейин олдиндан қалин қоғозда босиб чиқарилган ва кесиб олинган Тошкент қушларининг рангли тасвирларини ўйин участкасида дароҳт ва буталарга маҳкамлаш керак (*CD/7-илова*).

Танловда 4-6 кишидан иборат бўлган 3-4 гуруҳ иштирок этади. Ҳар бир гуруҳ билан, ўйин давомида қандай дурбиндан фойдаланиш ва қушларни аниқлаш кераклигини тушунтирадиган, кузатувчи юриши керак. Ҳар бир гуруҳга дурбин ва «Ўзбекистоннинг 100та қуши» плакати берилади. 20 минут давомида гуруҳлар иложи борида кўпроқ қушларни топиши ва аниқлаши керак. Маълумотларни кузатув шаклига киритиш зарур.

**Тадбирнинг ёпилиши.** Очколарни ҳисоблаш натижалари бўйича ғолиб аниқланади ва у бош совринни олади.

#### Кутилаётган натижалар ва кейинги ҳаракатлар

Ушбу тадбир:

1. Ёшлар ва катталарнинг эътиборини экологик муаммоларга қаратиш ва атроф-муҳит тўғрисидаги билимлар даражасини оширишга;
2. Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига жамоатчиликни жалб қилишга ундайди.

#### Манбалар

1. Ecological Problems <http://ecological-problems.blogspot.com/2008/08/environment-definition-and-meaning.html>;
2. Организация Объединенных Наций <http://www.un.org/ru/events/environmentday>;
3. ECOportal Вся экология! <http://ecoportal.su>;
4. РИА Новости <http://eco.ria.ru/documents/20100604/242440756.html>;
5. Википедия [http://ru.wikipedia.org/wiki/Всемирный\\_день\\_окружающей\\_среды](http://ru.wikipedia.org/wiki/Всемирный_день_окружающей_среды)



## ХАЛҚАРО ҚУШЛАРНИНГ КУЗГИ КУЗАТУВИ КУНИ

### **Экологик сананинг пайдо бўлиш тарихи ва унинг мақсадлари**

1993 йилда BirdLife International Бутун жаҳон Қушларни Муҳофаза қилиш Ассоциацияси янги экологик байрам - Халқаро қушларнинг кузги кузатуви кунларини таъсис этди. Бу экологик сана октябр ойи биринчи хафтасининг дам олиш куни нишонланади.

**Байрамнинг асосий мақсади – қушлар олами ва табиатни муҳофаза қилишга одамлар эътиборини жалб этиш. Тадбирнинг асосий вазифаси — вақтнинг белгиланган оралиғида учраган барча қушларни рўйхатга олиш.**

### **Халқаро қушларнинг кузги кузатуви куни турли мамлакатларда қандай нишонланади?**

- Европанинг кўп мамлакатларида шу кунларда табиатга биргаликдаги сайрлар ва қушлар тўғрисидаги китоблар ярмаркалари ўтказилади.
- 2011 йилда «EuroBirdwatch11» тадбирининг 50 минг иштирокчилари Европа ва Марказий Осиёнинг 37 мамлакатида қушларнинг ажойиб кўчиб ўтиш жараёнини кузатдилар.

### **Тадбирни ўтказиш жойи ва вақти**

Истироҳат боғи, ботаника боғи ёки сиз шу куни бўлишингиз мумкин бўлган табиатдаги ҳар қандай жой.

### **Зарур ашёлар**

1. Қушлар таърифномаси;
2. «Қушларни қандай кузатиш...» рисоласи (CD/1-илова);
3. Ручка ва ён дафтарча, дурбинлар;
4. «Ўзбекистоннинг 100та қуши» плакати;
5. Штативли кузатиш трубаси.

### **Халқаро қушларнинг кузги кузатуви кунини ўтказиш режаси**

**Тайёргарлик.** Агарда қушларни гуруҳ бўлиб ҳисобга олишни истироҳат боғи ёки ботаника боғида ўтказишга қарор қилган бўлсангиз,



режалаштирилаётган тадбир тўғрисида маъмурятни олдиндан огоҳлантириш керак.

Кузатувларингиз тўғрисидаги маълумотлар кейинчалик қушларни муҳофаза қилиш ва ўрганишда ишлатилиши учун ҳисобга олиш натижаларини тўғри белгилаш зарур. Барча маълумотларни ҳисобга олиш карточкасига киритиш лозим. (CD/8-илова).

**Қушларни ҳисобга олиш методикаси.** Қушларни ҳисобга олишнинг ўнлаб методикалари мавжуд. Биз қушлар сонини маршрутли ҳисобга олиш методикасини таклиф қиламиз. Биринчи навбатда мутахассис ёрдами, қушлар таърифномалари ва уларнинг ёзилган овозларидан фойдаланиб қушларни аниқлашни ўрганиш мумкин.

**Ҳисобга олишни ўтказиш техникаси.** Ҳисобга олиш вақтида дурбиндан фақат кўзга кўринган қушларни аниқлаш зарурияти бўлганда фойдаланиш тавсия этилади. Узоқдаги қушларни топиш учун дурбиндан фойдаланиш бефойда. Ҳисобга олиш вақтида кузатувчи маршрут бўйлаб юриб, уларгача бўлган масофага қарамасдан, барча учраган (кўрилган ва эшитилган) қушларни дала кундалигига ёзиб боради. Ҳисобга олиш вақтида бир маромда, шошилмасдан ҳаракат қилиш керак. Иштирокчиларга улар югурмасликлари, бир маромда, тўхтаб, ён дафтарчада барча учраган қушларни белгилашлари зарурлигини айтиш муҳим. Маршрутли ҳисобга олишда тавсия қилинадиган тезлик 1-1,5 км/соат. Бу атрофни диққат билан кўздан кечириб қушларнинг кўп қисмини белгилашга имкон беради.

**Дала кундалигидаги ёзувлар.** Ҳисобга олиш бошланишидан олдин кундаликда ҳисобга олиш жойи, санаси ва об-ҳаво ҳолати белгиланади. Дала кундалигини қандай тутиш тўғрисида, батафсил «Қушларни қандай кузатиш...» рисоласида ўқиб олиш мумкин (CD/1-илова).

#### **Кутилаётган натижалар ва кейинги ҳаракатлар**

1. Қуш ишқибозлари профессионал орнитологларнинг ёрдамчилари бўлиб қолишлари мумкин.
2. Кўпчилик иштирокида бир вақтда ҳисобга олиш ва ҳудудни кенг қамраб олиниши қушлар тўғрисида деярли аниқ маълумотлар беради ва катта илмий аҳамиятга эга.
3. Кузатувларнинг барча олинган маълумотлари Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамиятига уларнинг қайта ишланиши ва тахлили учун юборилиши байрамнинг асосий натижаси бўлиб қолиши керак.

#### **Манбалар**

1. Экологический центр «Экосистема» [www.ecosystema.ru](http://www.ecosystema.ru);
2. Казахстанская ассоциация сохранения биоразнообразия [www.acbk.kz](http://www.acbk.kz).

**Общество охраны птиц Узбекистана**  
100095 Узбекистан, Ташкент,  
ул. А. Ниязова 1, Институт  
зоологии АНРУз, офис 89.  
Тел./Факс: +99871 227 14 02;  
[www.uzspb.uz](http://www.uzspb.uz)  
E-mail: [roman.kashkarov@iba.uz](mailto:roman.kashkarov@iba.uz)

**Представительство**  
*dvv international* в Узбекистане  
100031 Узбекистан, Ташкент, ул. Зарбог 33  
Тел./Факс: +99871 256 22 18 / 120 60 57  
+99871 120 55 36  
[www.dvv-international.uz](http://www.dvv-international.uz)  
E-mail: [info@dvv-international.uz](mailto:info@dvv-international.uz)



**Bundesministerium für  
wirtschaftliche Zusammenarbeit  
und Entwicklung**